

Ishonch

2018 йил 8 май • сешанба • № 55 (4028)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ БОШ ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИ, ПРЕЗИДЕНТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 май куни мамлакатимизга ташриф буюрган Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, Президент ишлари бўйича вазир шайх Мансур бин Зайд Ол Нахаённи қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий кутди. Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида турли даражадаги алоқалар фаоллашгани, барча соҳалардаги икки томонлама муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганлигини мамнуният билан қайд этди.

Учрашувда икки томонлама амалий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, жумладан, Амирликлар инвесторларини мамлакатимиздаги истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга кенг жалб этиш, уларнинг фаолиятини тизимли равишда ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Бу борада нефть-газ, кимё, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, логистика, туризм, шаҳарсозлик ва бошқа қатор соҳаларда ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишиб олинди.

Ўз навбатида, шайх Мансур

бин Зайд Ол Нахаён давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Бирлашган Араб Амирликлари Президенти шайх Халифа бин Зайд Ол Нахаённинг юксак ҳурмати ва эзгу тилақларини етказди.

Учрашувда меҳмон жорий йил март ойида Тошкентда бўлиб ўтган Афғонистон бўйича халқаро конференцияда Ўзбекистон илгари сурган ташаббуслар ҳамда Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида билдирган тақлифларни Амирликлар ҳукумати тўлиқ қўллаб-қувватлашни таъкидлади.

Шунингдек, шайх Мансур бин Зайд Ол Нахаён Бирлашган Араб Амирликлари мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, жумладан, аниқ истиқболли инвестицион лойиҳаларни ҳаётга тўла татбиқ этишга тайёр эканини қайд этди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ШАРТ- ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ошириш ҳамда аҳоли ҳаёт даражаси ва фаровонлигининг барқарор ўсишига имкон берувчи фаол тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга, инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишга, фан ва инновацион фаолият жадал ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратиш қарар қилинди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил натижалари мамлакатда фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни янада яхшилашга тўққинлик қилувчи, жумладан, қуйидаги қатор тизимли муаммолар мавжудлигидан далолат беради:

биринчидан, ҳудудларнинг мавжуд ресурслар базаси ва салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда илғор ва замонавий инновацион ишланмалар, технологик лойиҳалар-стартлаплар ва инновациялар бозорини тизимли таҳлил қилиш йўлга қўйилмагани;

иккинчидан, инновацион лойиҳалар-стартлапларга инвестицияларни жалб этиш, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасига инновацияларни фаол жорий қилувчи иқтисодий тадбиркорлар фаолиятига қўмаклашиш ва мувофиқлаштириш ишлари лозим даражада амалга оширилмагани;

учинчидан, инновацион ривожланиш соҳасида, айниқса, жойларда ишбилармонлик муҳити паст даражада, шунингдек, инновацион ва муваффақиятли технологик лойиҳалар-стартлапларни ишлаб чиқиш ва илгари суриш бўйича зарур қўшимчаларга эга тадбиркорларнинг етишмовчилиги сақланиб қолмоқда;

тўртинчидан, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларнинг маълумотлар базаси мавжуд эмас, янги ресурсларни яратиш ва тажрибани бизнес-ту-

зилмаларга ўтказиш амалиёти ривожланмасдан қолмоқда;

бешинчидан, инновацион ишланмалар бозорини қўллаб-қувватлаш механизмлари суст даражада ишлаб чиқилган, инновацион ғоялардан самарали фойдаланишни мувофиқлаштириш йўлга қўйилмаган, инновацион ишланмаларнинг сифати эса бозор талабларига жавоб бермайди;

олтинчидан, инновацион ишланмалар, технологик лойиҳалар-стартлаплар соҳасига техника олий таълим муассасалари битирувчилари ва иқтидорли ёшларни жалб этишга, шунингдек, бизнес-инкубаторларни яратишга лозим даражада эътибор қаратилмагани;

еттинчидан, аҳоли ўртасида инновацион тадбиркорликни оммалаштириш ишлари самарали олиб борилмагани, инновацион маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқишга ва илгари суришга жалб қилишда техник ва психологик тўсиқлар сақланиб қолмоқда.

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда фаол тадбиркорликни ривожлантириш, инновациялар бозорининг шаклланиши ва фаолият кўрсатиши, шунингдек, маҳаллий ва хорижий инновацион ишланмаларни иқтисодийнинг реал секторига илгари суриш учун қулай ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг давлат-хусусий шериклик шартларида Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида инновацион лойиҳалар-стартлапларни ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва ўзлаштириш, инновацион фаолият натижаларини трансфер қилиш ва тижоратлаштиришни амалга оширувчи **Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиклар марказларини** (кейинги ўринларда марказлар деб

юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Белгилансинки, марказлар ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширадиган ташкил этилган пайтдан бошлаб беш йил муддатга барча турдаги солиқларни тўлашдан озод этилади.

2. Қуйидагилар марказларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ишлаб чиқариш ва хизматларнинг янги ва замонавий турларини яратиш мақсадида ҳудудларнинг салоҳияти ва ресурслар базаларини чуқур тадқиқ қилиш;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш мақсадида инновацион менежментни ривожлантириш;

янги ва талаб юқори бўлган маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқиш бўйича инновацион лойиҳалар-стартлапларни, жумладан, хорижда қўлланиладиган илғор услуб ва технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва ўзлаштириш;

инновациялар бозорининг маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот (иш, хизмат)лар бозорларини шакллантириш, уларнинг бозор талабларига йўналтирилиши ва мослашиши учун тавсиялар ишлаб чиқиш;

инвесторлар ва инновацион маҳсулот (иш, хизмат)лар истеъмолчиларини қидириб топиш ишларини, жумладан, инновацион инфратузилма субъектлари ўртасида кооперацияни ривожлантириш орқали ташкил этиш;

инновацион фаолиятни амалга ошириш масалалари бўйича манфаатдор шахсларнинг кенг доирасига маслаҳат бериш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни оммалаштиришга қаратилган реклама ва кўргазма тадбирларини ташкил этиш;

инновацион фаолиятни амалга ошириш масалалари бўйича манфаатдор шахсларнинг кенг доирасига маслаҳат бериш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни оммалаштиришга қаратилган реклама ва кўргазма тадбирларини ташкил этиш;

инновацион фаолиятни амалга ошириш масалалари бўйича манфаатдор шахсларнинг кенг доирасига маслаҳат бериш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни оммалаштиришга қаратилган реклама ва кўргазма тадбирларини ташкил этиш;

инновацион фаолиятни амалга ошириш масалалари бўйича манфаатдор шахсларнинг кенг доирасига маслаҳат бериш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни оммалаштиришга қаратилган реклама ва кўргазма тадбирларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА СОҲАЛАРИГА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қайд этилсинки, мамлакатда қисқа муддатда инновацияга йўналтирилган иқтисодий шакллантиришга ва инновацияларни кенг жорий этиш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Республикани инновацион ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи орган ташкил этилганлиги, унинг ҳузурда Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси шакллантирилганлиги маъқул йўналишдаги муҳим босқичлардан бири бўлди.

Шу билан бирга, илмий тадқиқотлар билан ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизмларини йўлга қўйишга, алоқаларни мустаҳкамлашга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда, уларга, авваламбор:

2 >

КҮН НАФАСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги агроноваторлик ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлигини таъминлаш назорат қилиш инспекцияси таъинлигини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарор қабул қилди.

Маъмур қарор қилиш ҳўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ва сув истеъмоли соҳасида назорат тизимини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агроноваторлик ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлигини таъминлаш назорат қилиш инспекцияси фаолиятини самарали ташкил этишга йўналтирилган.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳамда Ўзбекистон халқаро ислом академияси вакиллари билан иборат делегация Франция илмий тадқиқотлар миллий марказида учрашув ўтказди.

Унда Франция илмий тадқиқотлар миллий маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ҳамкорликда ҳазирда Тошкент, Бухоро, Санкт-Петербург, Париж қўлёзма фондларида сақланаётган қўлёзмалар каталогини яратиш, маъмур «Саталогори» туркумида чоп этилиши келишиб олинди.

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳридаги Стоун-Брук Давлат университетида макронисотиётчи мутахассисларнинг эгалигида **Оттабас Назиров** жорий йилнинг май ойидан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ўринбосари сифатида фаолиятини бошлади. У монетар сиёсат, банк тизими, бюджет сиёсати, солиқ тизими, иқтисодий хизматлар, пенсия таъминоти, қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантириш, шунингдек, демография ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича инновацион чимоларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш таъминоти масалалари билан шуғулланади.

2010 йилдан бундан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси маъмур хизмати раҳбари, жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими бошлиғи лавозимларида фаолият юритган Гулнора Раҳимова Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари лавозимига ўтди.

Интернет нашрлари хабарлари асосида тайёрланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик



Қишлоқда замонавий корхона иш бошлади

Анджон туманидаги Хакан қишлоғида трикотаж фабрикаси иш бошлади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда янги саноат корхоналари ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жорий этиш, умуман, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йили жамият раҳбари Фарходбек Отабеков корхона фаолиятини кенгайтириш ташаббуси билан чиққан эди. Президентимизнинг 2017 йил 23 февралдаги «Тадбиркор-

ларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида 11 миллиард сўм инвестиция киритиш, 200 янги иш ўрни яратиш шарти билан корхонага Хакан қишлоғида фойдаланишмай турган бино «ноль» қийматда берилди.

Қисқа вақт ичида корхона томонидан «Алоқабанд» вилот филиалидан олинган 2 миллиард сўм кредит ҳамда 9 миллиард сўм ўз айланма маблағи ҳисобидан уч қаватли бино реконструк-

ция қилиниб, мослаштирилди, жэқсозланди, хориждан замонавий тикув дастхоналари келтириб ўрнатилди.

Янги корхонада болалар, аёллар ва эркаклар учун 30 турдаги сифатли трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда. Маҳсулотларнинг асосий қисми «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиги билан хорижда экспорт қилиниши кўзда тутилган. Энг муҳими, фабрика ишга туширилиши билан 200 нафар қишлоқ хотин-қизлари доимий иш ўрнига эга бўлди.

ЎЗА

JobFair — 2018


Бўш иш ўринлари ярмаркаси

«Ўзэкспомарказ»да MyJob.uz амалий тармоғи ва «Seventeam Events» жамоаси томонидан «JobFair — 2018» 11-бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда саноат корхоналари, заводлар, молия ва энергетика тармоқлари, ахборот технологиялари, савдо ва халқаро компаниялар, иш топиш ёки иш жойини ўзгартириш истагидаги мутахассислар, битирувчилар, ОАВ вакиллари қатнашди.

60 тадан зиёд компания 550 га яқин бўш иш ўрни билан иштирок этган ярмаркада мутахассислар иш берувчилар билан суҳбатлашиб, очик бўш иш ўринлари, талабгорларга қўйилган талаблар тўғрисида маълумотлар олишди. 15 та мамлакатда 20 йилдан ортиқ тажрибага эга бизнес-тренер ва маслаҳатчи Борис Жалилоннинг «Ходимларни қизиқтиришнинг замонавий технологиялари» мавзусидаги маҳорат дарси барчада катта таассурот қолдирди. Унда ходим қизиқишига олиб келадиган оддий хат-толар, қўнимсизлигини камайтириш усуллари, уларнинг фойдали иш коэффициентини оширишдан манфаатдорлиги воситаларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш ҳамда компаниялардаги мавжуд қизиқтириш тизимлари, амалиётларини баҳолаш усуллари каби масалалар ёритиб берилди.

Ярмарка иш берувчилар учун ҳам, талабгорлар учун ҳам муваффақиятли кечди. Қўллаб-муваққатлаштирилган доимий иш ўрнига эга бўлишди.

Ташкилотчилар томонидан шу куни ўз мақсадини амалга оширилмаган ёки ярмар-



када бевосита иштирок эта олмаганлар учун аjoyиб имконият яратилди. Улар 7 майдан 11 майгача www.jobfair.uz сайтида ярмаркада иштирок этиши, иш берувчилар билан он-

лайн режимида суҳбатлашиши ҳамда уйдан ва офисдан чиқмаган ҳолда ишга жойлашиши мумкин бўлади.

Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

41 кўшма инновацион лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, стартаплар ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалигининг устувор тармоқларидаги бошқа шериклар билан инновацион ҳамкорликни ривожлантириш;

инновацион фаолиятнинг ишлаб чиқилган ва муваффақиятли синовдан ўтказилган натижаларини илгари суриш ва тижоратлаштириш;

3. Марказларни ташкил этишда қуйидагилар давлат-хусусий шерикликнинг асосий шартлари этиб белгилансин:

марказларни ташкил этиш ва уларга тегишли инфратузилмани (транспорт боғламалари, автостанциялар, автобекетлар мавжудлиги ва ҳ.к.) куриш учун зарур ер участкалари, бўш бинолар хусусий шерикларга ҳақ ундирилмасдан, истисно тариқасида тўғридан-тўғри музокаралар асосида ажратилади;

марказ биноларини куриш учун ер участкаларини таниш белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади; давлат ва хусусий шериклар тенглик асосида марказларнинг таъсисчилари сифатида иштирок этади;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув марказлар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб йигирма йил муддатга таъинланади; марказлар фаолиятининг йўналиши давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув амал қилишининг бутун муддати давомида сақланиб қолади;

марказларнинг интеллектуал мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказишга қилинган харажатларини қоплаш Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

давлат шериги иқтисодиёт тармоқларида инновацияларни жорий этишни рағбатлантириш, жумладан, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни давлат харидлари доирасида тижоратлаштириш имкониятларини кенгайтириш бўйича шарт-шароитларни яратишга қўмаклашиш мажбуриятини олади;

давлат ва хусусий шерикларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек, давлат-хусусий шерикликнинг бошқа шартлари давлат ва хусусий шериклар ўртасида Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Кузатув кенгашининг розилиги билан тузиладиган келишувларда белгиланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сон Фармони билан қуйидагилар 2023 йил 1 январга қадар муддатга ягона ижтимоий тўловдан ташқари, барча турдаги солиқ ва мажбурий тўловлар тўлашдан озод қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

юқори технологияли тадбиркорлик лойиҳалари-стартапларни биргаликда молиялаштириш учун ташкил қилинадиган венчур фондлар; венчур фондлардан биргаликда молиялаштирилмайдиган юқори технологияли лойиҳалар-стартаплар;

илмий-тадқиқот муассасалари, инновацион марказлар, лойиҳа-конструкторлик бюрolari ўзларининг янги технологияларини тадбиркорларга сотишдан (фойдаланишга беришдан) олинган даромадлар бўйича;

янги технологияларни маҳаллий тадбиркорликка трансфер қилувчи ташкилотлар бу фаолиятдан олинган даромадлари бўйича.

Давлат ва хўжалик бошқарув органлари раҳбарларига уларнинг тармок ихтисосликларини ҳисобга олган ҳолда маблағлари марказларнинг тадқиқотлари ва ишланмаларини молиялаштиришга йўналтириладиган, жумладан, уларнинг устав капиталига кириш орқали корпоратив венчур фондларни ташкил қилиш тавсия этилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки: марказлар учун Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг инновацион лойиҳаларни молиялаштириш умумий ҳажмининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги маблағларини захира қилиш назарда тутилди;

марказларни давлат-хусусий шериклик шартларида ташкил этишда давлат шериги сифатида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, бошқа давлат органлари, корхона

налар ва ташкилотлар иштирок этиши мумкин; хусусий лойиҳаларни таянб олишининг асосий мезонлари давлат шериги томонидан белгиланади;

келишув хусусий шериклар ташаббуси билан бекор қилинганда уларнинг марказларни ташкил қилишдаги харажатлари қопланмайди, қурилиши тугалланмаган объект давлат мулкига ўтказилади ва хусусий шерикларни қидириб топиш мазкур қарорга мувофиқ қайтадан ўтказилади;

марказларнинг қуриладиган биноларига барча зарурий ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини, коммунал инфратузилмаларини олиб келиш электр энергияси қисми бўйича — «Ўзбекэнерго» АЖ ҳисобидан, газ таъминоти қисми бўйича — «Ўзтрансгаз» АЖ ҳисобидан, телекоммуникация тармоқлари қисми бўйича — «Ўзбек-телеком» АК ҳисобидан, автомобиль йўллари куриш қисми бўйича — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Республика йўл жамғармаси ҳисобидан, сув таъминоти, каналлаш ва автостанцияларни куриш қисми бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан марказларни ташкил этиш бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувда белгиланган муддатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади;

марказларнинг бинолари фойдаланишга қабул қилингандан кейин маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қулай транспорт йўналишлари ва йўловчи транспортнинг бир маромада ишлашини ташкил этади.

6. Тижорат банкларига марказлар томонидан инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни амалга оширишда, жумладан, марказларга ва бошқа тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитларни ажратиш орқали кенг иштирок этиш тавсия қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси:

икки ой муддатда потенциал инвесторларни қидириб топиш ва улар билан мазкур қарорда белгиланган давлат-хусусий шериклик шартларида марказларни ташкил этиш тўғрисидаги келишувларни тузишни;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда марказларни ташкил этишда қатнашишга жалб қилиш, жумладан, грант ва хомийлик маблағларини ажратиш мақсадида халқаро ва хорижий ташкилотлар, молия институтлари вакиллари билан музокаралар ўтказишни;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурда марказларга ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни, жумладан, давлат харидлари доирасида тижоратлаштириш имкониятларини кенгайтиришда ҳар томонлама қўмаклашадиган Марказлар ишланмаларини тижоратлаштириш ягона марказини ташкил этиш тўғрисида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритишни;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг ёритиш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига етказишни таъминлашни.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги мазкур қарор шартларини қўлланган ҳолда туман (шаҳар)ларда марказларни ташкил қилишга рухсат этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари уч ой муддатда давлат ва хусусий шерикларнинг мурожаатлари бўйича марказларни ташкил қилиш учун ер участкалари ёки бўш биноларни, жумладан, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари оптималлаштирилиши ҳисобига бўшайдиган биноларни ажратишни таъминласин ёхуд уларни намунали лойиҳалар бўйича қуриладиган давлат хизматлари марказлари биноларида жойлаштиришни назарда тутсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р.Холмурадov, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б.Муродов ва Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири И.Ю.Абдурахмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 5 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА СОҲАЛАРИГА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

41 биринчидан, олий таълим муассасалари илмий ишлари ва илмий-тадқиқот ташкилотлари тадқиқотларининг натижаларини тижоратлаштириш кўрсаткичларининг пастилиги ҳамда қонирасизлиги;

иккинчидан, инновацион жараёнларни рағбатлантириш, худудлар ва тармоқлар даражасида инновацион ривожланиш ва инновацион фаоллик комплекс дастурларини амалга ошириш, инновацион фаол тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш механизмлари мавжуд эмаслиги;

учинчидан, хусусий сектор вакилларининг инновацион фаолиятга, жумладан, уларнинг манфаатдорлиги пастилиги сабабли етарли даражада жалб қилинмаслиги;

тўртинчидан, давлат илмий-техник дастурлари доирасида грантларни тақсимлаш ва улардан оқилона фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таъсирчан чора-тадбирларнинг мавжуд эмаслиги;

бешинчидан, илмий тадқиқотлар ва инновацияларни жорий қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик ва инвестициялар жалб этиш даражасининг қонирасизлиги каби омиллар сабаб бўлмоқда.

Инновация фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини тубдан такомиллаштириш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни янада самарали жорий этиш учун шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академиясининг: олий таълим муассасаларида илмий ишлар бўйича проректор лавозими ўрнига илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор лавозимини жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг илм-фан бўйича директор ўринбосарларини бир вақтда тегишли йўналишдаги олий таълим муассасаларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори лавозимларига тайинлаш;

олий таълим муассасалари тузилмасида инновацион жамғармалар ва илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинмаларни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини маблағларини молиялаштириладиган қўшимча 10 та штат бирлигини ажратган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тузилмасида Фан ва илмий-техник тадқиқотларни ривожлантириш бошқармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки: олий таълим муассасаларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари илмий-тадқиқот муассасаларининг илм-фан бўйича директор ўринбосарларини (кейинги ўринларда илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлар ҳамда илм-фан бўйича директор ўринбосарлари деб юритилади) лавозимга тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлар ҳамда илм-фан бўйича директор ўринбосарлари инновация фаолиятига оид масалалар, илмий-инновацион ишланмаларни жорий этиш ва тижоратлаштириш натижалари бўйича бевосита Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига ҳисобдордир;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги йилига камида икки марта Ўзбекистон Республикаси Президентини девонига илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлар ҳамда илм-фан бўйича директор ўринбосарларининг фаолиятини самарали мувофиқлаштириш бўйича шахсан масъул ҳисобланади;

олий таълим муассасаларининг инновацион жамғармаларини (кейинги ўринларда — инновацион жамғармалар) шакллантириш инновацион маҳсулотларни тижоратлаштиришдан олинмайдиган даромадлар, олий таълим муассасаларининг иш ҳақи, стипендия тўлаш, шунингдек, бошқа жорий харажатлари қопланмайдиган кейин тўлов-контракт маблағларининг 5 фоиздан кам бўлмаган миқдорини

йўналтириш ҳисобига амалга оширилади.

Инновацион жамғармаларнинг маблағлари: илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни рағбатлантиришга;

илмий-лаборатория ускуналари, сарфлаш материаллари ва бутловчи буюмлар сотиб олишга;

илмий-тадқиқот инфратузилмасини шакллантириш ва янгилашга, илмий ходимларни моддий рағбатлантиришга;

инновация фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатларни амалга оширишга йўналтирилиши белгилаб қўйилсин.

3. Қуйидагилар олий таълим муассасаларининг илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинмаларининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб ҳисоблансин:

бозорни тизимли равишда таҳлил қилиш ва инновацион маҳсулот (иш, хизмат)ларга бўлган талабни ўрганиш, ўзини қоплаш муддатини, рентабеллик ва инновацион маҳсулотларни тижоратлаштириш билан боғлиқ хатарларни баҳолаш;

юқори тижорат салоҳиятига эга ва амалга оширишга тайёр бўлган, ўзлаштириш учун истиқболли лойиҳаларни таянб олиш;

инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун инвесторлар, шериклар ва бошқа манфаатдор шахсларни жалб қилиш;

янги технологияларни жорий қилиш ва инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида саноат корхоналари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

Белгилансинки, олий таълим муассасаларининг илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинмалари фаолияти инновацион жамғармалар маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

4. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари:

бир ой муддатда раҳбар ўринбосарларидан бирини инновацион ривожланиш масалалари бўйича масъул этиб белгиласин;

2020 йил 1 октябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишган ҳолда тадбирларни молиялаштиришнинг аниқ миқдор ва манбаларини белгилаб, келгуси йил учун тегишли тармок ва соҳаларни инновацион ривожлантиришнинг «йўл хариталари» ишлаб чиқишини, шунингдек, уларнинг самарали амалга оширилишини таъминласин.

5. Қуйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5264-сон Фармонида мувофиқ Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3365-сон қарори билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини мустахкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини молиялаштириш маблағлари билан бир қаторда Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Кузатув кенгаши Жамғармага келиб тушадиган маблағларнинг, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга йўналтирилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда 2017 — 2021 йилларда илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини мустахкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурининг етишмаётган қисмида ўз вақтида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги устувор инновацион, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, «стартап» лойиҳаларини ўз харажатларини ўзи қоплаш асосида молиялаштириш учун 2018 йилда Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига 50 миллиард сўм миқдорда бюджет маблағларини ажратсин ҳамда маблағларни ўзлаштириш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ин-

новацион ривожланиш вазирлигининг асосланган тақлифларига кўра, Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг қўшимча маблағлари юзасидан тақлифлар киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги:

грантлар асосида амалга ошириладиган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар бўйича давлат илмий-техник дастурларининг тизимли мониторингини, шу асосда мақсадсиз ишлатилмаётган грант маблағларини бошқа истиқболли ва талаб юқори бўлган мавзуга оид лойиҳаларни амалга ошириш учун қайта йўналтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилишни;

фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар бўйича давлат илмий-техник дастурларини молиялаштириш учун ажратилган ҳамда молия йили давомида ўзлаштирилмаган маблағлардан келгусида мақсадли фойдаланишни;

фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг долзарб йўналишлари бўйича мавзуга оид грантлар бериш юзасидан мунтазам равишда танловлар эълон қилишни амалга оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг хўжалик бошқаруви органлари ҳамда йирик давлат корхоналарининг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармалари маблағларининг 0,1 фоизини Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтириш ҳамда уларни келгусида инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этишга мақсадли ишлатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

8. 2022 йил 1 январга қадар муддатда: белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан олиб қилинадиган илмий асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, сарфлаш материаллари, реактивлар, дастурий таъминот, бўш ҳудудлардан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно);

илмий-тадқиқот ташкилотлари уларнинг асосий фаолияти бўйича барча турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмалардан озод қилинсин, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурдаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ажратмалар бундан мустасно, бўшаётган маблағлар уларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш учун мақсадли йўналтирилсин.

9. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ходимларининг меҳнатига Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ва бюджетдан ташқари бошқа манбалар ҳисобидан ҳақ тўлаш шартлари вазирлик ҳайъати томонидан белгиланади.

10. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда инновацион ғоялар муаллифларини, мазкур ғояларни амалга оширувчи ташкилотчилар ва хомийларни моддий рағбатлантиришни таъминлаган ҳолда, республикада инновацияларни ривожлантиришга қўмаклашган алоҳида тадбиркорлик субъектларини тақдирлаш маросимини ўтказишни назарда тутиб, республикада ҳар йили Инновацион ғоялар ҳафталиги — «InnoWeek.Uz» ўтказилишини ташкил қилиш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Хукумати-нинг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р.Холмурадov, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б.Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 7 май

Муносабат

Президентимизнинг Наманган вилоятидаги учрашуви чоғида Иккинчи жаҳон уруши ва уруш қаҳрамонларидан бири генерал Собир Раҳимов тўғрисида айтган сўзлари нафақат ўзбек зиёлилари, балки бутун ўзбек халқини безовта қилиб келаётган фикрлар, дард ва армонларнинг ечимини бўлди.

Ўзбек халқи Иккинчи жаҳон урушининг тарихий ғалаба билан якунланишига мислсиз даражада катта ҳисса қўшган. Жанг майдонларидан олисда жойлашгани учун Ўзбекистонга урушнинг дастлабки кунларидаёқ қанчадан-қанча ҳарбий завод ва фабрикалар, олий ўқув юртли ва маданият муассасалари кўчириб келтирилган; ўзбек халқи ота-онасиз қолган етим-есирлар,

бий округи тасарруфидаги қисмларда, 1939 — 1941 йилларда эса Ўзбекистон авиацияга ёрдам берувчи «Осовиахим» ташкилотидан жанговар тайёргарлик бўлими бошлиғи бўлиб хизмат қилади. Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан эса полк командири бошлиғи ўринбосари лавозимида фронтга кетади. Урушнинг дастлабки ойларида оғир жароҳат олган Собир Раҳимов давола-

дик олиб кетишини илтимос қилади-лар. Собир Раҳимов дастлаб ўзбек адабиётининг 1943 йил кишида Москвада ўтган декадаси тadbирларида катнашиб, ўзбек ёзувчиларининг меҳмони бўлади. Кейин 1943 йилнинг ёз кунларида Тошкентга келади.

Ўша йилларда Янгийўл шаҳрида Муסיқали театр ташкил этилган ва пахта далаларида хизмат қилаётган қишлоқ аҳлига маданий хизмат кўрсата бошлаган эди. Шундай кунларнинг бирида театр драматурги Собир Абдулла ва бастакор Тўхтасин Жалиловнинг «Тоҳир ва Зухра» асарини сахналаштириб, спектаклнинг премьераси кунини белгилайди. Спектакль бошланиши олдида театрга республика раҳбари Усмон Юсупов ҳамроҳлигида биринчи ўзбек

асар манзур бўлганини изҳор қилгач, ҳаёл суриб, узоқларга назар ташлаб олиб, ўрнидан туриб кетди:

— Ўзим кўрадим, фронтда қон кечиб жанг қилаётган йигитлар билан томоша қилдим. Очиги, бу спектаклни уларга илиниб, бутун ҳаёлим жанг майдонига кезиб юриб томоша қилдим! Қани энди бу томошани кинога олиб беришнинг иложи бўлса, олиб кетиб, уларга совға қилсам!..



Нам КАРИМОВ, академик

Ҳақиқат тантанаси

фронтда оғир жароҳат олган ярадорлар, ҳарбий хизматдан озод қилинган ёзувчилар, олимлар, санъаткорларни қабул қилиб, уларни уй-жой, иш ва озиқ-овқат билан таъминлаган. Ўзбекистонга кўчириб келтирилган ҳарбий заводлар фронтга қанчадан-қанча самолётлар, танклар, қурол-яроғларни етказиб берган. Ўзбек халқи қурашаётган армияни мунтазам равишда кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминлаб турган. Булардан ташқари, халқимиз 1 млн. нафардан зиёд фарзандларини фронтга кузатган: улардан 263 миң нафари ҳалок бўлган, 60 миң 452 нафари ногирон бўлиб қайтган, 132 миң 670 киши бедарак йўқолган, ўн миңлаб миллатдошларимиз эса асирлик азобини бошдан кечирган. Булар — ўзбек халқининг тарихий хотирасида абадий сақланиб қоладиган маълумотлардир.



Генерал Собир Раҳимов фронтда қаҳрамонларча ҳалок бўлган саркардагина эмас, балки Иккинчи жаҳон уруши ғалабасига катта ҳисса қўшган қаҳрамон, ўзбек халқининг жонли тимсоли ҳамдир.

Собир Раҳимовнинг ҳаёт йўли XX асрнинг 30 — 50-йилларида бунёдкорлик меҳнати билан ўзбек халқининг хурмат-эътиборини қозонган кишиларнинг ҳаёт йўлидир. 5 ёшида отасидан етим қолиб, подаччилик билан туз-насибасини топади, кейинроқ эса болалар уйида тарбияланган йигит йигирма ёшида ҳарбий хизматга қақилган. У 1925 йили Боку шаҳридаги ҳарбий мактабни тугатиб, Самарқандда ташкил этилган Ўзбек отлик аскарлар дивизиясига келиб ҳарбий хизматни ўтай бошлади. Машхур саркарда Миркомил Миршаропов кўмондонлик қилган дивизия собик Иттифоқдаги энг илғор ва намунали ҳарбий қисмлардан бири эди. Жанговар ҳаётини шу дивизия таркибида дастлаб взвод, кейин эскадрон командири сифатида бошлаган Собир Раҳимов тез орада моҳир чавандоз, жасур командир ва камтарин инсон сифатида хурмат қозонади. 1937 йилнинг алғов-далғов кунларида хизмат сафарига бўлгани учун Ўзбек отлик дивизиясининг тугатилиши, барча донгдор кўмондонлар ва аскарларнинг қатагон қилиниши каби фожиаи воқеалар уни четлаб ўтади. М.Миршароповнинг машхур дивизияси тарқатиб юборилгач, у Туркистон ҳар-

ниб, яна ҳаракатдаги армияга боради ва дивизия командири сифатида Шимолий Кавказни озод қилиш учун олиб борилган шиддатли жангларда катта жасорат кўрсатади. С.Раҳимовнинг жанговар хизматларини кузатиб юрган кўмондонлар унинг саркардалиқ салоҳиятини ошириш мақсадида Москвага қақириб олиб, унга СССР Қуролли Кучлар Бош штабнинг Ҳарбий академиясини тугатиш имконини беради. Шундан кейин у яна фронтга қайтиб, 1-Белоруссия fronti қўшинлари таркибида Белоруссия ва Польшанинг Барановичи, Слоним, Белосток, Граудец ва бошқа шаҳарларини озод қилишда фаол иштирок этади.

Кўп миллатли совет армиясининг маккор душманини собиқ СССР ҳудудларидан қувиб чиқариб, Европани фашизм балосидан озод эта бошлаши уруш тақдири кимнинг фойдасига ҳал бўлишини маълум қилди-қўйди. Шу воқеа муносабати билан Ўзбекистон ҳукумати раҳбарлари собиқ СССР ҳукумати мурожаат этиб, фронтда кўрсатган ва кўрсатаётган жанговар хизматлари учун генерал Собир Раҳимовнинг бир неча кунга Ўзбекистон келиб, хор-

генерали Собир Раҳимовнинг етиб келиши премьерга алоҳида тантанавор рух бағишлайди.

Собир Абдулла «Тўғон устида ёзилган асар» деган мақоласида шу унутилмас кунни эслаб, бундай ёзган эди:

«...Премьера муваффақиятли давом эттириш мақсадида Москвага қақириб олиб, унга СССР Қуролли Кучлар Бош штабнинг Ҳарбий академиясини тугатиш имконини беради. Шундан кейин у яна фронтга қайтиб, 1-Белоруссия fronti қўшинлари таркибида Белоруссия ва Польшанинг Барановичи, Слоним, Белосток, Граудец ва бошқа шаҳарларини озод қилишда фаол иштирок этади.

Урушнинг дастлабки ойларида оғир жароҳат олган Собир Раҳимов даволаниб, яна ҳаракатдаги армияга боради ва дивизия командири сифатида Шимолий Кавказни озод қилиш учун олиб борилган шиддатли жангларда катта жасорат кўрсатади. С.Раҳимовнинг жанговар хизматларини кузатиб юрган кўмондонлар унинг саркардалиқ салоҳиятини ошириш мақсадида Москвага қақириб олиб, унга СССР Қуролли Кучлар Бош штабнинг Ҳарбий академиясини тугатиш имконини беради. Шундан кейин у яна фронтга қайтиб, 1-Белоруссия fronti қўшинлари таркибида Белоруссия ва Польшанинг Барановичи, Слоним, Белосток, Граудец ва бошқа шаҳарларини озод қилишда фаол иштирок этади.

этомда. Биринчи қаторда ўтирган Собир Раҳимов тўлқинланмоқда, асардаги вафодорлик кўшиқлари унга аллақандай таъсир бағишламоқда эди. Танаффус вақтида Усмон Юсупов унга савол ташлади:

— Қалай, Собир, Сенга маъқул бўлди-ми?.. Собир Раҳимов олдин қулимсираб,

Маъноли жимжитликдан кейин Собир Раҳимовнинг ёнида ўтирган Усмон Юсупов унинг елкасига қоқди:

— Балки шундай қилармиз?!.. Нима дедингиз, Абдужаббор?..»

Абдужаббор Абдурахмонов Ўзбекистон Министрлар Советининг раиси эди. У «Бу масалага кино мухтаассисларини жалб қилиш керак. Агар улар «Тоҳир ва Зухра»ни шу ҳолича қано қилиш мумкин дейишса, Собир Раҳимовнинг талаб-илтимосини бажаришимиз мумкин», — деб жавоб беради.

Хуллас, шу кунгич «Тоҳир ва Зухра» музиқали драматини кино тилига кўчириш масаласи кун тартибига қўйилади. Кинорежиссёр Наби Ганиев раҳбарлигида ижодий гуруҳ ишга тушиб, уруш даврининг мураккаб шароитига қарамай, 1945 йили фильмин томошабинлар эътиборига ҳавола қилишга муваффақ бўлади. Агар уруш йилларида ҳарбий журналист бўлиб ишлаган Мирзаалон Исмоилийнинг сўзлари рост бўлса, «Тоҳир ва Зухра» фильми 1945 йилнинг май кунларида Берлиндаги тунги «очик экран»ларда жангчилар учун намойиш этилган. Лекин...

...Лекин шу вақтда биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов Польша тупроғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган эди.

Совет давлатида жорий этилган тартибга кўра, 1945 йилнинг май ойида Собир Раҳимов жасади кремация этилиб, бир темир қутига Тошкентга олиб келинган. Биз, ўша вақтда ўрта мактабнинг 5-синф ўқувчилари ўқитувчиларимиз раҳбарлигида ва минглаб ҳамшаҳарларимиз билан бирга Тошкент шаҳрининг ҳозирги Муस्ताқиллик майдонига йўл олган оқим билан Ҳукумат уйда ўрнатилган мотам дастгоҳи ёнидан ўтиб, машхур ўзбек саркардаси билан видолашганмиз.

Мухтарам Президентимизнинг темир иродаси ва донолиги билан ўзбек халқининг унутилмас фарзандларидан бири, атоқли саркарда Собир Раҳимов ҳайкалининг асл жойига қайта ўрнатилиши мамлакатимизда рўй бераётган жаҳоншумул ўзгаришларнинг яна бир мўждаси, тарихий адолат ва ҳақиқатни тиклашга қаратишган ишларнинг яна бир порлок намунаси бўлиб қолади.

Урушнинг номи ўчсин!

Суронли йиллар хотиралари

«Умр — чоғиб кетаётган кийикнинг соясида бир оз сояламоқ», деган эди донишмандлардан бири. Ортимизда қолаётган йўлнинг ёруғ хотираларга бойлиги эса ўтаётган фурсатга шукрона қилишга ундайди бизни. 101 баҳорни қаршилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Мудофаа вазирлиги фахрийси Зубайдулла ота Тошмотов ҳам бугун ўтаётган ҳар бир дақиқадан рози, қилган хизматлари эътироф этилаётганлигидан мамнун.

Чирчак шаҳри Алишер Навоий кўчасидаги 46-хонадонга кириб борарканмиз, кийгос очилган настарининг хуш бўйи димокка урилади. Олча, гилос даракларининг оқ гўнчаларидан қолишмаймиз, дегандек, тоқчадаги уй гуллари ҳам тароватини кўз-кўз қилишга уринади. Тошкент ҳарбий округи фахрийлар ишлари бўйича кенгаши раиси Авазбек Номозов, Чирчак олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртидан подполковник Бобур Ражабов, майор Жасур Ҳақимов ҳамда бошқа ҳарбий хизматчиларни отахоннинг қизлари Мастура опа кутиб оладилар.

— Бугунги кунларни қаранг, — дейди отахон меҳмонлар билан суҳбат қуракан, — тинчликни, фаровонликни наинки, одамлар ҳаётдан, балки осмонда парвоз этаётган кушлардан ҳам билса бўлади. Ёшлимиз замбаракларнинг гумбурали, бомбаларнинг ерни зир титратиб, танкларнинг гувиллашлари, урушдан кейинги кийинчиликлар билан ўтди. Польшадан то 1945 йил 7 май кунини Германиянинг Эмба дарёси бўйидаги жангга чеккагидек эсимда. Шу вақт оралигида олти марта яраландим. Кечалари оқоларда изғиб, қўлимизда қурол билан қачон уруш тутаркан, қачон ота-онамизнинг дийдорини кўрарканмиз, деб тонг оттирдик.

Еттига фарзанднинг отаси, 21 нафар невара, 45 эвара, 2 чеваранинг суюкли бобоси бўлган отахон гоҳида эвараларига уруш ҳақида эртақлар айтиб бераркан. Ҳа, айнан уруш ҳақида. Аслида миллионлаб инсонларнинг ҳаётида улкан қора чизик бўлган, бағрида кетмас доғ қолдирган уруш бу. Лекин бугунги ҳурликнинг эрка фарзандлари учун бу хотиралар чиндан-да эртақ.

— Биз бундай отахонлар билан кўпроқ учрашишга, уларнинг насихатларини ёшларга етказишга ҳаракат қиламиз, — дейди А.Номозов. — Фахрийлар тарихнинг тирик китоби, дейиш мумкин.

— Ёшлиги уруш майдонларида ўтган отахоннинг суҳбатидан таъсирландим, — дейди курсант Жавахир Ҳасанов. — Она Ватан озодлиги учун курашган шундай инсонлар бор экан, биз тинчлик ва оқсоғиллик деган улуг неъматнинг қадрини янада теран англайверамиз.

Аср билан юзлашган, кўзлари тийрак, хотиралари тиник отахон кетар чоғимизда кўллари дуога очди:

— Уруш ўз номи билан уруш. Урушнинг оти ўчсин. Биз кўрган кунларни фарзандларимиз кўрмасин. Мени йўқлаб, эслаганларни Худо яраласин. Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин.

Н. АСАДОВА



Муқаддас қадрият

Унда Тошкент шаҳар қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси вакиллари иштирок этиб, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат вазифини бажариш вақтида ҳалок бўлган ва тан жароҳати олиб ногирон бўлиб қолган ички ишлар ходимлари онла-вэлоларига қасаба уюшмаларининг эсдалик совғаларини тақдим этишди.

Икром ҲАСАНОВ олган сурат.

Умр йўллари

«Бу кунларнинг қадрига етайлик!»

Мен уруш ва меҳнат фахрийси Абдулла Султонов 1925 йил 15 февралда Қўқон шаҳрида ишчи-ҳунарманд оиласида туғилганман. Отам беш ёшлигимда 1930 йилда вафот этган. Болалигим оғир йилларга, қийинчиликларга тўғри келган. Меҳрибонлик уйи — етимхонага жойлашиб тирик қолганман. Ўрта мактабни тугатган йилим Иккинчи жаҳон уруши бошланди. 1942 йил бошланишидан 1943 йилнинг охиригача Туркманистоннинг Байрамали шаҳарчасида мерганлар мактабида ўқидим.

1943 йил охирида шиддатли урушга кирдим. 1944 йилнинг бошланишида танкчилар бригадасига ўтказишди. Новгород шаҳридаги шиддатли жангларда катнашдим. Шундан кейин Ригани, ўрмонда десантчилар билан бирга Польшани озод қилдик ва яна олға юрдик. Одер дарёсини кечиб ўтиб, Шаркий Пруссия, Калининградни душмандан тозаладик. Ва ниҳоят, маршал Жуков кўмондонлигида Берлин қуршовга олинди. Эльба дарёси бўйида шиддатли жанг бўлди. 1945 йил бошланишида Берлин атрофини ўраб олдик. Ғалаба байроғи кўтарилди.

Ҳикмат

Нотинчликда тинчликка эришиб бўлмайди. Тинчликни асраш қушқўнда тиканаклари орасидан мевасини териш дегани. Мен бу масалага қанчалик чуқур ёндашсам, ич-ичимда қатъий бир ҳулоса туғилади: «Тинчликни асраш — бош инсоний бурч!»

Маҳатма Ганди

Биринчи гуруҳ ногирони бўлиб Қўқонга қайтиб келдим. Урушдан қайтиб, кўрдимки, онам бетоб бўлиб, кўзлари кўрмай қолибди. Қўқондаги сут комбинатига ҳайдовчи бўлиб ишга кирдим, лекин соғлигим ёмонлашаверди. Бу орада онам вафот этди.

1951 йилда қўқонлик қизга уйландим. Фарзандли бўлдик. Ички ишлар вазирлигига қарашли ёнгини ўчириш ташкилотига ишга кирдим. Пенсия ёшигача Фарғона вилоятида бўлдим. Пенсияга чиққанымдан сўнг соғлигимни тиклаш мақсадида Тошкентга келдим. Аввал архитектор бўлиб ишлаётган ўғлим билан бирга яшадик. Кейинроқ турмуш ўртоғим билан Муқимий кўчасидаги кўп қаватли уйланинг биридаги икки хонали квартирга кўчиб ўтдик.

Турмуш ўртоғим ҳам меҳнат фахрийси ва пенсионер. Икки ўғлим, уч қизим ва 27 невара-эварам бор. Урушдаги жанговар жасоратларим ва фронт ортидаги меҳнатларим учун ҳаммаси бўлиб 16 та орден ва медал олганман.

Ўғил-қизларим, набираларимдан миннатдорман, мендан доим хабар олишади. Қўқондаги қариндошларим келиб туришади. Уларга бу кунларнинг қадрига етайлик, дейишдан чарчамайман.

Фахрий журналист
Йўлдош МАНСУРОВ ёзиб олди.

Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасида «Аждодларни хотирлаш — муқаддас қадрият» мавзусида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Меҳрдан сув ичса кўнгиллар

Иккинчи жаҳон уруши ўзининг тузалмас яралари билан халқимизнинг қалбига ўрнашган. Бу даврда жанг майдонлари ва меҳнат фронтда матонат кўрсатган юрдушларимиз бугун эъозу эҳтиромда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони ва «Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муносабати билан Навоийда қорхона, ташкилот, муассасалар, жамоатчилик вакиллари, ёшлар уруш қатнашчилари уйларига таширф буюриб, учрашувлар ўтказаяпти, уларга пул мукофоти ҳамда турли совғалар топширилмоқда.

— Бугунги дориламон замонда, фарзандлар ва яқинлар қуршовида яшаётганимдан хурсандман, — дейди Ашур Ҳайитов. — Бўлган урушнинг даҳшатли воқеаларини хотирлаб, кўзимга ёш келади. Биз бошимиздан ўтказган азоб-укубатларни фарзандларимиз ҳеч қачон кўрмасин. Уларнинг келажаги порлоқ эканидан кўнглим хотиржам тортади. Шундай фаровон, тўқин-сочин замонда янада завқ билан яшагинг, жавлон уриб меҳнат қилгинг келади.

Таъқидлаш керак, айни кунда вилоятда 51 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси истискомат қилмоқда. Уларнинг ҳар бирини тақдирлаш тадбирлари давом этаёпти.

Дилафрўз ҲУРОЗОВА,
«Ishonch» муҳбири

Тадбир

Мамлакатимизда аҳолининг эҳтиёжманд қисмини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ўстувор йўналиш ҳисобланади. Кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган болалар ва катталарга тиббий-ижтимоий ёрдам беришнинг барқарор тизими жорий этилган.

Эътибордан чароғон диллар

Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрда қабул қилинган «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони жамиятимизда бу йўналишда амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтариш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, улар учун қўлай ва мақбул муҳитни таъминлаш, кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар самарадорлигини оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда. Унда белгиланган комплекс чора-тадбирларнинг изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилиши натижасида ўтган йилнинг ўзида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларидан 100 минг нафарига турли хилдаги ижтимоий хизматлар кўрсатилди. Тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Ўзгалар парваршига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлиги бўлган 15 минг нафар шахсга уйда ижтимоий хизмат кўрсатиш ишлари амалга оширилди. 19,5 минг нафар эҳтиёжманд фуқаро реабилитация техник воситалари ва протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминланди. Ногиронлар бемалол ҳаракатланиши учун бино ва иншоотларда пандус ва тўтқичлар ўрнатилмоқда. Шу-

нингдек, 35 минг нафар пенсионер ва ногирон санаторийларда соғломлаштирилди. 20 минг нафардан зиёд ногиронга реабилитация хизматлари кўрсатилди.

Маълумки, 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига соғлигини тиклаши учун ҳар йили санаторийларга бепул йўланмалар берилди. Ушбу имкониятдан фойдаланмаганларга йўланманинг пулини тўлаш жорий қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 мартдаги қарори асосида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурдаги ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиши жамиятимизда амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоя тадбирлари самарадорлигини янада юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу жамғарма маблағлари ногиронлиги бўлган шахсларга кўмак бериш, инклюзив таълимни ривожлантириш, реабилитация сифатини ошириш ва бошқа тиббий-ижтимоий лойиҳаларга йўналтирилади.

— Ногиронлиги бўлган шахслар ва кексалар доимий тиббий-ижтимоий кўмакка эҳтиёж сезади, — дейди вазирлик тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиги Алишер


Иноков. — Аҳолининг ушбу қатламга бу йўналишда тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида 11 та реабилитация қилиш ва протезлаш маркази, 8 та санаторий хизмат кўрсатаётир. Шунингдек, 33 та «Мурувват» ва «Саховат» уйлари фаолият юритяпти. Аҳолининг тиббий-ижтимоий ёрдамга қўнган-қўнганга ўсиб бораётган эҳтиёжини тўлиқ қондириш учун бу имкониятлар билан чекланиб бўлмайди. Бунда тиббий-ижтимоий муассасалар тузилмасини модернизациялаш, соҳага илғор техника ва технологиялар, илм-фан ютуқларини кенг татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Президентимизнинг «2018 — 2022 йилларда тиббий-ижтимоий муассасаларини қуриш ва жиҳозлаш, уларнинг ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини қабул қилиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳа аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ва реабилитация ёрдами самарадорлигини янада ошириш, «Мурувват» ва «Саховат» уйларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббий-ижтимоий соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, бу борадаги илмий изланишларни чуқурлаштириш, протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари сифатини тубдан яхшилаш ва турларини кенгайтириш каби вазифаларни камраб олган. Ушбу чора-тадбирлар ногиронлигининг олдини олиш, жамиятимизда инсон мафлаатларига йўналтирилган ислохотларни чуқурлаштириш, аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларини ҳуқуқий, тиббий-ижтимоий муҳофазалашни кучайтиришда яна бир муҳим кадам бўлиши шубҳасиз.

Комила БОЙМУРОВА,
«Ishonch» мухбири

Шифокорим — табиат

Барча касалликнинг давосини табиат бағридаги неъматлардан олиш мумкин. Бунинг учун улардан ўринли фойдаланишни билиш керак, холос. Бу кўникма инсонларда ибтидоий даврлардан бошлаб шаклланган. Энг қизиғи, буни инсоният баъзи ҳолларда ҳайвонлардан ўрганган. Қандай қилиб дейсизми?



Одамлар ҳам, ҳайвонлар ҳам касалланиши мумкин. Лекин ёввойи ҳайвонга ким дори-дармон беради? Ҳайвонлар учун дорихона она табиатнинг ўзидир. Унинг бағрида турфа ўсимликлар мавжуд бўлиб, ҳайвонлар табиий сезги орқали улардан керакли пайтда фойдаланиб, шифо топади. Жанубий Америка хиндулар касал бўлиб қолган пума (ёввойи мушук) қандайдир дарахт пўстлогини гажиганидан сўнг тузалишини пайкашган. Хиндулар бу пўстлог қайнатмаси билан безгақдан азоб чекаётган касалларни даволаб кўришган. Шу тариха кейинчалик хин дарахти сири кашф этилди. Мазкур дарахтнинг пўстлогидан олинган хинин бутун дунёда безгақка қарши дори сифатида ишлатилади-ган бўлди.

Қадим замонларда одамларнинг билми даражаси етарли бўлмагани туфайли улар ўсимликларнинг дориворлик қисини сехрли, мўъжизавий деб билишган. Хазиналар яширинган жойни топиб берадиган, эсухушни олиб қўядиган, севмаганини севирадиган ўтлар борлигига ишонилган. Одамчаларга ўхшаш меҳригёх (женшень) илдижи хақида қўлдан-қўл афсоналар тўқилган. Меҳригёх илдининг кучсизланиб, ҳолдан тойган кишиларга қувват бағишлагига мўъжиза деб қарашган. Вақт ўтиши билан илм-фан муайян ўсимликнинг қай тарзда даво бўлишини илмий асосда исботлаб берди.

Ҳозирги пайтда ўсимликларнинг дориворлик хусусиятларини илмий асосда ўрта-

Ҳам даво, ҳам даромад

ниш йўлга қўйилган. Доривор гиёҳлардан фармацевтика соҳасида кенг фойдаланилмоқда. Ер юзиде доривор ўсимликларнинг 10-12 мингта тури мавжуд бўлса, Ўзбекистонда 577 та тури ҳисобга олинган. Хусусан, анор, аччикмия, бодом, гулхайри, ёнғоқ, жағ-жағ, зўбтурум, исирик, омонқора, pista дарахти, сачратки, чойўт, шилдирибаш, ширинмия, шувоқ, янтоқ, қизилча, қокўт каби қўллаб доривор ўсимликлар тарқалган. Айни пайтда аччикмиядан — пахикарнин, исирикдан гармин, омонқордан галантамин, шилдирибашдан сферофизин алколоидлари олинмоқда. Анор пўстидан гижжа хайдовчи дамлама тайёрланади. Доривор гулхайри препаратлари балғам қўчируви ва юмшатуви, жағ-жағ ва лағохи-лус дорилари кон кетилини тўхтатуви, pista бужғуни ва чойўтдан тайёрланган дорилар медали-чак касалликларини даволочи сифатида ишлатилади. Бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин.

Доривор ўсимликларнинг организмга таъсири уларнинг таркибидеги бирикмаларнинг микдорига боғлиқ. Бу бирикмалар ўсимликнинг хар хил қисмлариде турли микдорда тўпланади. Дори тайёрлашда ўсимликнинг керакли қисмлари турли муддатда йиғилади. Масалан, пўстлогни ва куртаги эрта баҳорда, барги ўсимлик гуллаши олди-дан, мева ва уруғлари пишганида, илди-из, илдижиёси баҳорда ёки кеч кузда йиғиб олинади. Доривор ўсимликлар ҳаво очик пайтлариде, шудринг кўтарилганида терилади. Шунинг эсдан чиқармаслик ке-

раки, айрим ўсимликларнинг таркибиде захарли моддалар бўлади. Адонис, бангидевона, исирик, кучала, мингбош, марваридгул, мингевона ва бошқалар шундай захарли ўсимликлар сирасига кирди. Шунинг учун ўсимликларни истеъмол қилмаслик, уларни йиғиб олаётган вақтда қўлни кўзага текизмаслик, ўсимликларни йиғиб олгандан кейин қўлни яхшилаб ювиш керак.

Доривор ўсимликларни йиғиб олишда меърига амал қилиш зарур. Чунки улар келажакда ҳам ўсиб қўлайиши зарур. Уларни кўр-кўрона йиғиш оқибатиде сонни камайиб бораётгани ташвишланарли ҳол. Бу эса йиғиш қондаларига қатъий риоя этишни талаб қилади.

Ҳозирги пайтда юртимизда камайиб бораётган доривор ўсимликларни махсус майдонларда экиб қўлайиришга алоҳида эътибор бериллаётир. Бу усул ўсимлик турларини асраб қолиш баробарида мўмай даромад манбаи ҳам демакдир. Мисол учун, Наманган вилоя-

тида қовул (кавар) ўсимлиги кўп учрайди. Унинг барги, меваси ва томирининг пўсти табобатда кенг қўлланилади. Турли ишларни даволаш, нафас қисши, талок қотиши, курглари хайдаш, полиартрит, буюқ, аллергия каби касалликларни даволашда қовулнинг фойдаси кўп. Ҳозирда 3 минг гектардан зиёд майдонда ушбу ўсимликни экиш режалаштирилган. Кам харажат ва оз меҳнат талаб қиладиган бу ўсимликдан йилга тўрт марта ҳосил олиш мумкин.

Кўриниб турганидек, доривор ўсимликлар шифобахшлиги билан бирга иқтисодий жиҳатдан ҳам ғоят фойдалидир. Аммо табиат инъомларини сунистеъмол қилмаслик инсонларнинг бурчи ҳисобланади. Буни ҳеч қачон унутмаслик лозим.

Мақфуза АБДУЛЛАЕВА,
ўқитувчи

Ҳикмат

Ҳар бир табиий нарса ўлчанган бўлади, лекин ҳар бир ўлчанган нарса табиий бўлавермайди.

Абу Али ибн Сино

УСЕЛ

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ «COSCOM» ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИ

МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ

КУНИ МУНОСАБАТИ

БИЛАН ҚАДРИ

БАЛАНД ХАЛҚИМИЗНИ САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ.

БАРЧАНГИВГА МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ, ОИЛАВИЙ БАХТ, ХОТИРЖАМЛИК ВА ХОНАДОНИНГИВГА ФАЙЗУ БАРАКА ТИЛАЙМИЗ!

Реклама ва эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси «BEST LINE REALTOR» МЧЖ бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибиде утказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2018 йил 7 июнь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли, 52-уй манзилда ўтказиладиган аукцион савдоларига «Turonbank» АТБ Миробод филиали ҳисобиде бўлиб, 2018 йил 23 январдаги 23/1-сонли кредит комиссияси йиғинини баёни қарорига ва 2018 йил 7 майдаги буюртма хатига асосан қўйилган мулклар алоҳида ЛОТ тартибиде қўйилмоқда.

1-ЛОТ. Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Мажнунтоғ 4-тор қўчаси, 14-уйда жойлашган умумий ер майдони 618,0 кв. метр, қурилиш ости ер майдони 331,02 кв. метр-дан иборат турар-жой. Бошлангич баҳоси — 378 890 000 (уч юз етмиш саккач миллион саккач юз тўқсон минг) сўм.

2-ЛОТ. Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Мажнунтоғ 4 берк қўчаси, 6-уйда жойлашган умумий ер майдони 600,0 кв. метр, қурилиш ости ер майдони 215,06 кв. метр-дан иборат турар-жой. Бошлангич баҳоси — 292 272 000 (икки юз тўқсон икки миллион икки юз етмиш икки минг) сўм.

Ташкилчилар аниқласта! Аукцион савдолариде иштирок этиш учун буюртмалар «Садо ташиқлотичес» томонидан расмий иш кўчлари соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушиш, шанба ва акшанба дам олиш кунин).

Буюртмаларини қабул қилиш охири мўддати 2018 йил 6 июнь куни 18:00 да тўхтатади. Махсус мулклар 2018 йил 7 июнь куни ўтказиладиган очик аукцион савдосиде сотилмағи тақсирда таъсирдор аукцион савдолари 2018 йил 15 ва 22 июнь кўчлари соат 11:00 да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Таъсирдор савдо учун буюртмаларини қабул қилиш охири мўддати 2018 йил 15 июнь куни савдоси учун 2018 йил 14 июнь куни ва 2018 йил 22 июнь куни савдоси учун 2018 йил 21 июнь куни соат 18:00 да тўхтатади.

Аукцион савдоси қўлибга 10 кун мўддатда олди-соғди шартномасини тузиш мажбурияти юксатилди.

Аукцион савдолариде иштирок этиш истасида бўлиш талабдор «Садо ташиқлотичес» билан тузиладиган акадиг пўли тўғрисидаги қелишув шартномасига асосан мулк бошлангич баҳосининг 15 фоизи миқдориде акадиг пўлини тўлашга ишонган сўнг савдога иштирок этиш учун буюртмада топиришлари лозим.

жисмоний шахслардан паспорт нуқсаси, буюртмани вақолати вақили топиришга қонуни ҳужжатлариде белгиланган тартибиде расмийлаштиришга ишончнома йил қонуний вақолатини тасдиқловчи ҳужжат, унинг нуқсасини тасдиқловчи ҳужжат нуқсаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши сўралади.

журidik шахслардан давлат рўйхатини ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома ва қонуни ҳужжатлариде белгиланган тартибиде расмийлаштиришга ишончнома, буюртмани вақолати вақили топиришга унинг тасдиқловчи ҳужжат нуқсаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши сўралади.

Тақдим қилинган ҳужжатларини барча шароитлари талабдорнинг ишонч билан (жисмоний шахслар учун) ҳамда талабдорнинг ишонч билан тақдим этиш (юрidik шахслар учун) тасдиқлашни шарт.

Заказат тўловини учун рекавизитлар: «BEST LINE REALTOR» масъулияти чекланган жамиятининг х/р: 20208000300692478001, АТБ «InFinBANK» банк Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани филиали МФО: 01141, СТИР: 304421042, ОКОНХ: 83100.

Буюртмалар қабул қилиш, қўшувчи мулклар билан танишини ва савдо ўтказиладиган мавни: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли 52-уй. Тел.: (+998 98) 115-71-97, E-mail: best-line-realtor@mail.ru, Веб сайт: http://www.ibrz.uz. Лицензия: RR 0274.

Хизматлар лицензияланган.

Табабтаринингига биниоан, «Ishonch» газетасини 2018 йилнинг апрелидан сотувга чиқарилди.

<p>МУАССИС:</p> <p>О'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi</p> <p>15188 2010-5009</p> <p>2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигиде 116-рақам билан рўйхатга олинган.</p>	<p>Бош муҳаррир: Хўсан ЭРМАТОВ</p> <p>Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63 Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69 Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43 Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73</p> <p>www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикасини Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, тахлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.</p>	<p>Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz</p> <p>Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кўчлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказиде терилди ва саҳифаланди.</p> <p>«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасиде чоп этилди. Корхона манзили: Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.</p> <p>Тахририят ҳисоб рақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТБ «Iprotka bank» Янсабод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130</p>	<p>Ҳўдуудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-91) 268-92-32 Андиқон — (+998-91) 475-23-60 Бухоро — (+998-93) 653-50-81 Жиззах — (+998-91) 943-67-44 Наманган — (+998-90) 260-50-77 Навоий — (+998-93) 314-13-03 Самарқанд — (+998-97) 915-50-87 Сирдарё — (+998-90) 610-95-55 Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07 Фарғона — (+998-90) 991-55-71 Қорағам — (+998-90) 719-48-00 Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01</p>	<p>Навбатчи муҳаррир: У. Ибодидинов Навбатчи: Н.Махаматов Мусаҳҳиҳ: С. Шодиева Саҳифаловчи: Х. Абдуҷалилов</p> <p>Босишга топириш вақти — 02:20 Топиришди — 02:40 12 156</p> <p>Газета офсет усулида, А-2 форматиде босилди. Ҳақини 2 босма табак, Буюртма Г — 509, 31608 нуқсда босилди. Нашр йўриқчини: 133</p>
---	--	--	--	---